ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАХКАМАСИ ХУЗУРИДАГИ ЕР ҚАЪРИНИ ГЕОЛОГИК ЎРГАНИШ, САНОАТДА, КОНЧИЛИКДА ВА КОММУНАЛ-МАИШИЙ СЕКТОРДА ИШЛАРНИНГ БЕХАТАР ОЛИБ БОРИЛИШИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ДАВЛАТ ИНСПЕКЦИЯСИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАХКАМАСИ ХУЗУРИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН НЕФТЬ МАХСУЛОТЛАРИ ВА ГАЗДАН ФОЙДАЛАНИШНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ДАВЛАТ ИНСПЕКЦИЯСИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ ГЕОЛОГИЯ ВА МИНЕРАЛ РЕСУРСЛАР ҚЎМИТАСИНИНГ КАРОРИ

12 Нефть ва газ конларининг қидирув ишлари, қудуқларни бурғулаш, синаш ва ишга туширишдаги технологик жараёнлар устидан назорат қилиш тўгрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2012 йил 6 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1285-1

(2012 йил 16 январдан кучга киради)

Узбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 27 августдаги ПК-1396-сон «Геология-разведка ишларини ташкил этиш ва олиб бориш тизими самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тугрисида»ги қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари туплами, 2010 й., 35-36-сон, 301-модда) ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2011 йил 11 майдаги 131-сон «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси хузуридаги Ер қаърини геологик ўрганиш, саноатда, кончиликда ва коммуналмаиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси тузилмасини янада такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўгрисида»ги қарорига мувофик (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари туплами, 2011 й., 19-сон, 191-модда) Узбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси хузуридаги Ер қаърини геологик ўрганиш, саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси, Вазирлар Махкамаси хузуридаги  $\ddot{
m y}$ збекистон нефть махсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш давлат инспекцияси ва Давлат геология ва минерал ресурслар кумитаси қарор қиладилар:

1. Саноатда ва кончиликда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш агентлиги, Ўзбекистон нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш давлат инспекцияси ва Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қумитасининг 2003 йил 15 октябрдаги 01-637, 01/07-899, 01-1137-сон қарори (руйхат рақами 1285, 2003 йил

31 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қумиталари ва идораларининг меъёрий хужжатлари ахборотномаси, 2003 йил, 19-20-сон) билан тасдиқланган Нефть ва газ конларини қидирув ишлари, қудуқларни бурғулаш, синаш ва ишга туширишдаги технологик жараёнлар устидан назорат қилиш туррисидаги низомга иловага\* мувофиқ узгартиришлар киритилсин.

2. Ушбу қарор Ӱзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат руйхатидан утказилган кундан бошлаб ун кун утгандан кейин кучга киради.

## «Саноатгеоконтехназорат» ДИ бошлиғи

Б. ГУЛЯМОВ

Тошкент ш., 2011 йил 2 декабрь, 271-сон

## **Ў**здавнефтгазинспекция бошлиги

Ш. МАХМУДОВ

Тошкент ш., 2011 йил 2 декабрь, 01/09-1462-сон

Давлат геология ва минерал ресурслар кумитаси раиси в.б.

И. ТУРАМУРАТОВ

Тошкент ш., 2011 йил 2 декабрь, 01/2445-сон

<sup>\*</sup> Илова рус тилидаги матнда берилган.